

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ғиждувон тумани

2023 йил 06 июнь

Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Қўлдошов раислигида, судья ёрдамчиси Э.Бахшуллоев котиблигида, даъвогар вакили Л.Иброхимов (ишончнома асосида) иштирокида даъвогар Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасининг жавобгар “Ислобобо-2000” фермер хўжалигининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 20 402 981,23 сўм солиқ қарздорлигини солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ислобобо-2000” фермер хўжалиги (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади)нинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 20 402 981,23 сўм солиқ қарздорлигини солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.

Даъвогарнинг вакили суд мажлисида иштирок этиб, маълумотнома тақдим этиб, қисман тўлов қилганлигини маълум қилиб, солиқ қарзини жавобгарнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўради.

Суд вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар ўз вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини қўллаб суд, ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(кейинги ўринларда матнда “СК” деб юритилади) 22-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра солиқ тўловчилар белгиланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда ҳисоблаб чиқариши ва тўлаши керак.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан 2023 йил 17 март ҳолатига кўра жами солиқ қарзи 20 402 981,23 сўмни ташкил қилган.

Даъвогар томонидан солиқ қарзини сўндириш тўғрисида жавобгарга талабнома юборилган. Бироқ, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўламасдан эътироз билдирган.

Шу сабабли, даъвогар иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 20 402 981,23 сўм солиқ қарздорлигини солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.



СК 119-моддасига кўра солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан олинган кундан эътиборан олтмиш календарь кун ичида солиқ қарзи тўланмаган тақдирда ва агар ушбу Кодекснинг 120 — 122-моддаларида назарда тутилган чоралар қўлланиши натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, солиқ органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 123-124-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Солиқ кодекси 123-моддаси олтинчи қисмига кўра солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарздорлигини ундириш суд тартибида амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинса, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солиқ қарздорлиги ундирилиши мумкин.

Бирок, даъвогар судга маълумотнома тақдим этиб, жавобгар қарздорлигини қисман бартараф этганлиги сабабли суд даъво аризани қисман 32 681,23 сўм миқдорида қаноатлантиришни лозим топди.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорида мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 118-моддасининг бешинчи қисмига кўра даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасининг 12-бандига кўра давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари — барча ишлар ҳамда хужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун даъволар юзасидан озод қилинганлиги сабабли давлат божисиз иш юритувига қабул қилинган.

Юқоридагиларга кўра суд, давлат божини жавобгардан ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170, 176, 179 ва 180-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л а д и :

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

“Ислombобо-2000” фермер хўжалиги нинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 32 681,23 сўм солиқ қарзи унинг мол-мулки ҳисобидан ундирилсин.

“Ислombобо-2000” фермер хўжалигидан Республика бюджетига 408 059,62 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.



Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида шу суди орқали Бухоро вилоят судга апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтириш) мумкин.

Судья

О.Қўлдошов

Ҳужжат имзоланган: Қўлдошов Ориф Тошпўлотович, 16.06.2023

